

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим  
вазирлиги**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Халқаро журналистика факультети**

**Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация  
кафедраси**

## **КУРС ИШИ**

**МАВЗУ: Бадий – публицистик жанр хусусиятлари**

**БАЖАРДИ: М. Нурметова (306-гуруҳ)**

**ТЕКШИРДИ: А. Каримов**

Тошкент-2010

# Режа

## I. Кириш

## II. Асосий қисм:

1. Хат жанри
2. Очерк жанри
3. Фельетон ва памфлет жанрлари хусусида...
4. Эссе жанри
5. Кичик ҳажвий жанрлар

## III. Хулоса

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Дунё харитасига бир назар соладиган бўлсак, унда дарёлар, денгизлар, ўрмонлар, чек-чегарасиз ҳудудлар ястаниб ётганига кўзимиз тушади. Бу маконларга қанча эралар, асрлар, миллион йиллардан буён инсон зоти эгалик қилиб келади. Уларнинг ўз “эгалари” бор. Ҳар бир ҳудуд ким учундир алоҳида ватан. Қизиғи шундаки, дунёнинг бу четида ҳозиргина юз берган воқеа, хоҳ у кичкина янгилик бўлсин, хоҳ катта шов-шувли хабар бўлсин сониянинг мингдан бир улушлари дунёнинг нариги чеккасидаги инсон бу воқеликдан хабар топиши учун етарли бўлади. Мўжиза-а? Бу аслида, аллақачонлар кашф қилинган ихтиро. Аммо энди, инсоният томонидан тўлалигича тан олинди, холос.

Инсоният яралибдики, унинг ҳаётида ахборотлар қандай турда ва мазмунда бўлишидан қатъий назар, бирламчи аҳамият касб этган ва айнан шу хусусият бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Даврлар ўзгариши билан тараққиёт ахборотларни узатувчи воситаларнинг туринигина ўзгартирди, холос. Зеро, авваллари оғзаки кўринишдаги ахборотлар кўпроқ тарқатилган бўлса, кейинроқ, бу ёзма шаклларга кўчди. Бора-бора китоб, газета, радио, телевидение ва интернет каби тадрижий кўринишдаги ривожланишни бошидан кечирди. Футурологлар янги асрга “Ахборот асри” деган нисбатни берганликлари бежизга эмас. Чунки бугун катта-катта армиялар ёки кучли қуроллар ҳам бажариши мушкул бўлган ишни биргина йўналтирилган ахборотлар орқали амалга ошириш осонроқ ва қулайроқ бўлиб қолди. Шу боис, бугунги курашлар, Президентимиз таъбири билан айтганда мафкуравий полигонларда шиддатли кечмоқда.

Бугун деярли барча мутахассислар “Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёни бошқаради”, деган фикрни ҳар сўзида такрорлайдиган бўлишди. Ҳатто, бу гап “мода” тусига кирмоқда. Ваҳоланки, XV асрдаёқ буюк матаффақир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий Ҳазратлари ўзининг “Агар огоҳ сен...” дея бошланувчи шоҳбайтларида ушбу жараённи бошдан-оёқ усталик билан тушунтириб берган эди. Йирик-йирик марказлашган кучларга “шоҳлик” мақомини тақдим қилишда эса оммавий ахборот

воситалари асосий ҚАҲРАМОН ҳисобланади. Матбуот уларнинг ичида ўзига хос ўрин ва нуфузга эга бўлган ахборот тарқатиш воситасидир.

Матбуот ўз ичида турларга бўлинади. Бир тури ахборот етказишни ўз зиммасига олса, иккинчи турнинг вазифаси уни таҳлил қилишдир. Аммо учинчи тур ҳам борки, бунда янгилик етказиш-у, уни таҳлил қилишни қамраб олган, бадиий журналистик ижод етакчилик қилади. Бу турнинг ўзига хослиги шундаки, у инсон онгига тўғридан-тўғри таъсир эта олиш кучига эга.

Дарҳақиқат, бадиий-публицистик жанрлар мавзу кўлами жиҳатидан ижтимоий ҳаётдаги энг катта, тарихан узун ва абадий мавзуларни қамраб олади. Бадиий-публицистик жанрларнинг

- **долзарблиги** шундаки, у бевосита инсон онгига бошқа журналистик жанрларга кўра чуқурроқ ва тезликда таъсир кўрсата олади. Шу маънода бадиий-публицистик жанрлар ёзиш бўйича мутахасис — қалами ўткир журналист кадрлар тайёрлаш бугунги кун журналистикасининг долзарб вазифасидир;
- **Илмийлий аҳамияти** жиҳатидан инсон психологиясига таъсир эта олиш кучига эга бўлган бу каби жанрлар фанда ҳам ўз нуфузига эгалигига шубҳамиз йўқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бадиий-публицистикада юз беражак янгиликлар, янгича йўналиш, ноанъанавий таҳлиллар, илмий кашфиётлар фаннинг ҳам ютуғидир;
- **амалий аҳамияти** эса бадиий-публицистик жанрлар жамиятдаги инсонларни фаоллаштиради, ҳаётни ўзгартиришга, курашга ундайди. Камчиликларни фош этишга чақиради. Инсоннинг назаридан четда қолаётган баъзи нуқсонларни кўрсатиб беради.

Бадиий-публицистик жанрлар — очерк, фельетон, хат, памфлет, эсседа борлиқни акс эттиришда адабий-бадиий усуллардан, яъни образлилик, ўхшатиш, жонлантириш, бўрттириш, драматизмдан, сюжет ва композиция имкониятларидан ўринли ва унумли фойдаланилади.

Ўз заминидаги сеҳр билан қалам аҳлларинигина эмас, балки бутун инсониятни ҳам ўзига жалб этган жанр бу — хатдир.

Хат сўзи жозибали мазмун касб этади. Чунки бу сўз узоқ-яқин қариндошлардан, дўстлардан, ажойиб воқеа ва ҳодисалардан хушхабар келтириши билан ҳам биз учун кадрлидир.

Бобомиз Мир Алишер Навоий ҳам хат жанрига алоҳида эътибор бериб, ўз асарларини шу жанр билан боғлаганлар. Навоий хатни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаси, деб билган. Хусусан, у хатни шундай таърифлайди:

*Жонда қўйдим чирмагон мактубини ҳижрон аро,*

*Билмон ул мактуб эрур ёхуд “алиф” дур жон аро.*

Навоий хатни образли тарзда ҳижрондаги шуъла, тириклик нишони деб таърифлайди.

*“Мен хатни ҳамиша аллақандай титроқ, гамгин, ҳатто, кўркувга ўхшаш ҳадиксираш, асабий бир ҳузурбахш ҳаяжон билан қўлга оламан, — деб ёзган эди А. И. Герцен.— Хат қиш бўйи қор тагида қолиб кетган сўлиган япроқлар сингари ўтган ёзни, унинг жазирама иссигини, салқин кечаларини, эндиликда у маъсум узоқ ўтмиш бўлиб қолганини эслатади, бу япроқлар дуб дарахтидан шамолда синиб тушган шохча эканини англайсан, аммо энди бу япроқлар бошинг узра шовулламайди ва китобларда ёзилганидай вазмин салобат билан устингдан босиб турмайди”<sup>1</sup>.*

Газета ва журналларда ўқувчи эътиборини ўзига жалб этадиган хат сўзи газета материалларида рукн ўрнида ҳам кенг қўлланилади. “**Мухлислар мактуби**” ёки “**Хатлар оламида**” сингари рукнларни, айниқса, таблоид нашр саҳифаларида кўп учратамиз. Ушбу кўнгилочар нашрларда кўпинча викториналар, ҳар хил танловлар эълон қилинади. Хатларнинг сони кўплигининг сабабларидан бири

Ҳозирда хатнинг янги кўриниши яъни СМС хабарлар ҳам аксарият кўнгилочар нашрларнинг саҳифаларида босиладиган бўлди. Масалан:

<sup>1</sup>Тоғаев О. , Публицистика жанрлари , “Ўқитувчи” , Т. , 1976 , 5-бет

.....5433.....*Беҳзод ака, сизни тузилган кунингиз билан чин дилдан табриклайман. Доимо ҳаётингиз шодон ўтсин. Бахтдан сархуш бўлиб яшанг. Омад сиз билан ҳамқадам бўлсин!*

Даврнинг долзарб воқеаларига дарҳол жавоб берувчи публицистик жанрлар сафига қўшиб саналадиган хат ҳозирда ҳам матбуот, ТВ ва радиода фаол иштирок этиб келмоқда.

Хат публицистикасида “**Очиқ хат**” алоҳида ўрин тутди. Очиқ хат атамаси матбуот орқали жамоатчиликка мурожаат қилиш воситаси сифатида XIX аср ўрталарида немис матбуотида шаклланди. Жанр таркиби уч асосий қисмдан иборат: муаллиф шахсияти, вазият таҳлили, адресат шахсияти.

Очиқ хатда муаллиф шахсияти алоҳида аҳамиятга эга. Жанрда кўпчилик нуқтаи назардан туриб халқ, омма манфаатига оид муаммолар талқин қилинади.

Хат — асар ғояси, муаллиф ниятини амалга оширишда катта имкониятлар яратадиган муҳим жанрдир.

Қадимийлиги жиҳатидан ҳам хат энг эски жанрлар сирасига киради. Жаҳон адабиёти ва публицистикасини кузатадиган бўлсак, мактуб шаклида ёзилган бир қатор шеърлар, поэмалар, ҳикоя, қисса, романлар, ҳатто драматик асарлар мавжуд. Хуллас, хат қадимий ва айни пайтда тобора ривожланиб бораётган, истиқболли жанрлардандир. Мактуб шарқ адабиётида, айниқса, кенг тарқалган. “Нома” сўзи шеърӣ, насрий асарлар сарлавҳасидан ҳам жой олган жанрга эътибор катта бўлганидан далолат беради. Фирдавсийнинг “**Шоҳнома**”, Кайковуснинг “**Қобуснома**”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “**Бобурнома**” асарлари ва бошқалар ўқувчига мурожаат шаклида ёзилганини номлари айтиб турибди.

Хатдаги далил — исбот ўзига хос хусусиятга эгадир. Хатда далил иқтисодий мисол ёки ахлоқ нормаси, эстетик категория ёки қонун моддаси эмас. Муҳокама- мулоҳазалар, қатор мисоллар ҳам эмас, зотан хатда бундай далиллар ҳам бўлади, хатдаги бош далил — муаллифнинг ўз ҳаёти, хулосалари, дунёқараши, ўз ҳис-туйғулари, кечинмалари, одамлар билан муносабатидир.

Таҳририятга конверт ичида келган ҳар қандай қоғозни хат деб бўлмайди. Масалан, конверт ичида хатга илова қилинган корреспонденция, янгилик ёки эълон ва шунга ўхшаган материаллар ҳам бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам ўқувчининг зийраклигини ва у ҳам журналистик асарлар яратишга қодир шахс эканлигини эсда тутишимиз лозим.

Бадиий очерклар ҳам ўзининг хусн–латофатини янада жозибалироқ қилиб кўрсатиш мақсадида хат либосида безанишни ёқтирадилар. Ёзувчи В. Витковичнинг **“Узун хатлар”** деб номланувчи сафарномаси Марказий Осиё мамлакатлари ҳақидаги очерклардан иборатдир. Муаллиф ўз асарининг жанр хусусияти ҳақида гапириб, бу очерклар хат услубида ёзилгани, унда саёҳатнома, автобиографик қисса, мемуар, хат жанри хусусиятлари қоришиб кетганини қайд этади:

*“Наириётда қўл ёзмани варақлаб туриб: “Қандай асар келтирдингиз?” — деб сўрайдилар. “Саёҳатномами?” – “Ҳа!” – деб жавоб бераман. “Автобиографик қиссами?”, — “Ҳа!” — “Хикоялар китобими?”, “Ҳа!”, — “Хотираномами?” – “Ҳа!”, “Хатлар китобими?” – “Ҳа! Ҳа!” .<sup>2</sup>*

Муаллиф ўз очерklarининг қизиқиш билан ўқилишини таъминлаш мақсадида атайлаб мактуб шаклида ёзилганлигини очиқ айтади. У китобхонга қарата дейди: “Бундай услуб яхши эмасми? Китобхон келгуси саҳифада қандай воқеа содир бўлишини ҳеч қачон билмайди. Шу билан бирга, китобхон, нотаниш кишиларнинг хатларига кўз югуртириш истагини ҳам йўқ эмас, албатта. Почталъоннинг хат сумкасини бир қўлга тушириб, конвертларни очиб ҳаммасини ўқиб чиқишни, шу чарм сумка орқали ҳаётга бир назар солишни истамасмидинг?”

Мактуб жанрига оид кўпгина асарлар дунё адабиётининг ёрқин намуналари сирасига киради. Жумладан, Пушкиннинг қатор асарлари шу жанрга оид. Ўзбек адабиётида эса Ғафур Ғулум, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Шайхзода, Уйғун ва бошқаларнинг ижодида мактуб жанрида ёзилган қатор асарларни учратамиз. Бу эса хат жанрининг жозибали, таъсирли эканини, бошқа адабий жанрлар асарлар мобайнида хат либосига ишқибоз бўлиб

<sup>2</sup> Виткович В. , Длинные письма , «Мол. гвардия » , М. , 1967, 4 – ст.

келганини кўрсатади. Хат шаклида ёзилган адабий асарларни махсус илмий адабиётларда **бадий эпистоляр** адабиёт деб юритадилар.

Биз хат шаклининг газета материалларини ёритишда қўлланилиши, унинг турли жанр намуналарида ифодаланишини кўриб ўтдик. Хўш хат жанрининг ўзинима? У нималар билан характерланади?

Хат жанрининг ўзига хос хусусияти уни хабар жанри билан солиштириб кўрганимизда янада намоён бўлади. Хат билан хабар жанрларининг бири-биридан муҳим фарқи шундаки, агар хабарнинг бош муддаоси янги, муҳим фактларни газетхонга маълум қилишдан иборат бўлса, хат ҳаётда, ижтимоий фаолиятда содир бўлган факт ва фактларга муносабатбилдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Агар хабарда факт асосий ва биринчи ўринда турса, хатда фактга нисбатан муносабат биринчи ўринда туради. Аниқроғи хабарнинг ўзагини факт ташкил этса, хатнинг туб моҳиятини, унинг юрагини фактларнинг ўзи эмас, муаллифда мазкур факт туфайли туғилган шахсий фикр-ўйлар, кечинмалар, индивидуал ҳис-туйғулар ташкил этади.

Хатлар ким томонидан ёзилганлигига қараб турлича бўлиши мумкин. М: - *бирор ижтимоий воқеа, халқаро ёки умумдават аҳамиятига эга бўлган муҳим ҳужжатларнинг эълон қилинишига муносабат билдириб ёзилган хат, савол хат, таклиф хат истак хат, миннатдорчилик хати, қораловчи хат, хат-мажбурият, сўроқ хат, сигнал-хат, мулоҳазали хат.*<sup>3</sup>

Хатда фактнинг қимматини тамомила инкор этиш мумкин эмас, албатта. Хабарда ҳам муаллифнинг фактга муносабати, баҳоси ўзига хос йўсинда билвосита ифодаланганидек, хатда ҳам фактнинг қиммати муаллифнинг унга берган баҳосига боғлиқ дир. Ўз ҳолича у қадар аҳамиятга эга бўлмаган оддий, ҳаётий, маиший фактлар муаллифнинг мулоҳазалари, фикр-туйғулари орқали муҳим ижтимоий мазмун касб этади.

Хуллас, хатнинг асосини муаллифнинг фактга бўлган шахсий муносабати, кайфияти, психологияси ташкил этади. Бу — бадий асарлардаги сингари образли аниқ тасвирланган психология эмас, балки муайян ҳаётий факт, воқеа муносабати билан муаллифда пайдо бўлган, бир он, бир лаҳзалик кайфият, аниқ

<sup>3</sup> Прохоров. Е. П., Эпистолярная публицистика, стр 15-16.

кечинма, шахсий ҳис-туйғудир. Биз хат муаллифининг руҳиятини фақат муайян фактга муносабати, муайян вазиятдаги ҳис-туйғу туйғулигина биламиз. Бошқа факт, бошқача вазиятда унинг кайфияти қандай бўлиши бизга номаълум. Шунинг учун индивидуал хатда муаллифнинг маълум бир характерли белгиси ярқ этиб намоён бўлади. Бу жиҳатдан хат лирик шеърни эслатади. Хатда муаллиф кайфияти конкрет факт ва публицистик восита орқали ифодаланса, лирик шеърнинг асосини поэтик образлилик ташкил этади.

Хатнинг қадимийлиги ҳар бир халқнинг ёзуви билан тенгдошдир. Чунки ёзувнинг келиб чиқиши билан одамларнинг бир-бирига хат ёзишга эҳтиёжи ҳам пайдо бўлган. Навоий Хусайн Бойқаронинг ўғли Баддиуззамонга ёзган хатида ҳам ота-ўғил муносабатлари ҳақида, ахлоқ-одоб, ўзаро тотувлик ҳақида баҳс этади.

Хатлардаги иккинчи мавзу — мамлакат осойишталиги, эл тинчлигидир. Навоий халарида ўрта аср шароити доирасида ахлоқ масалари ҳам талқин этилади. Навоий хатларида табиат манзараларининг образли тасвирини ҳам кўрамиз. Бундай хатларда ватанпарвар шоирнинг ҳассос қалби, табиатга бўлган ишқи мужассамлашган.

Навоий хатларида ўз ватани, халқи ҳақидаги ғамхўрлик туйғуси билан яшаган, халқ аҳволини яхшилаш ҳақида кўп ўйлаган, ўз сиёсий тушунчаларига мувофиқ амалий тадбирлар таклиф этган инсон шоирнинг оташин овози эшитилиб туради. Бу Навоий хатларининг ижтимоий-публицистик хусусиятларини белгилайди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда матбуот келиб чиққунга қадар хат публицистикасининг асосий белгилари Алишер Навоий ижодида шаклланган эди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўзбек хат публицистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Очиқ хат термини матбуот орқали жамоатчиликка мурожаат қилиш воситаси сифатида XIX асрнинг ўрталарида немис матбуотида пайдо бўлган эди. Очиқ хат орқали жамоатчиликка мурожаат қилиш воситаси сифатида ёзувчилар, журналистлар ижодида шаклланди ва ривожланди. Юқорида кўриб ўтганимиз хат жанри хусусиятлари очик хатда яна такомиллашади ва чуқурлашади. Очиқ хат уч асосий элементдан иборат:

- 1) муаллиф шахсияти,
- 2) ситуация,
- 3) адресат шахсияти.

Бу элементлар ҳамма хатларда ҳам бир хил меъёрда учрамайди. Баъзи очик хатларда муаллиф шахсияти кенг ўрин олса, бошқаларида адресат шахсияти талқинига алоҳида эътибор қилинади. Бошқа бир хил хатларда ситуация таҳлили хатнинг ғоявий йўналишини белгилайди. Баъзи хатларда бу уч элемент чамбарчас қўшилиб кетади. Публицистикада шундай хатлар учрайдики, автор шахсияти бундай хатларнинг марказий нуқтасини ташкил этади.

Маълумки, очик хатда ҳамма вақт кўпчилик, омма манфаатига доир ижтимоий муаммо талқин этилади. Очик хат шу хусусияти билан шахсий хатлардан асосан фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, хат муаллифи талқин этилаётган ижтимоий муаммони ўз шахсий ҳаёти ва тақдирига бевосита тааллуқли муаммо сифатида индивидуал ҳис этади ва у ҳақди эмоционал эҳтирос билан қизғин фикр юритади.

**Адресат шахси.** Очик хатнинг жанр белгиларидан бири адресатга бевосита мурожаат қилиш хусусиятидир. Бунда усул бошқа баъзи жанр намуналарида ҳам учрайди. Лекин бу усул очик хат жанрининг бутун таркибига сингиб кетган асосий хусусиятларидан биридир.

Хатда адресат шахсияти турли кўринишларда ифодаланади. Хат адресатининг ҳаёти ва фаолиятида ижтимоий қимматга эга бўлган фпвқулодда воқеа, бирор хатти-ҳаракати муносабати билан ёзилади.

**Хатда ситуация таҳлили.** Ситуация французча сўз бўлиб, ҳолат, вазият, шарт-шароитлар мажмуаси деган маънони билдиради. Биз бу ўринда ситуация сўзини хатда таҳлил этилаётган факт, воқеа, вазият, муаммо маъносида қўллаймиз.

Хатда ситуация мазмунан ўзига хос кўринишларга эгадир.

- 1) Баъзан хатда автор ёки адресат шахсияти таҳлил объекти, яъни асосий ситуация бўлиб келади. Муаллиф ўз хатти-ҳаракати ёки адресат шахсиятини муҳокама қилади, инкор этади ёки

тасдиқлайди, хулосалар чиқаради. (Белинскийнинг “Гоголга хат”и, шунингдек ўзбек ёзувчиси Мирзакалон Исмоилийнинг “Исмим яширган киши” публицистик асарлари шундай хатлар ҳисобланади.)

- 2) Хатда муаллифга тааллуқли-ю, адресатга зид бўлган, ёки аксинча хусусиятга эга бўлган масала, муаммо муҳокама қилинади. Бундай ситуация кўп ҳолларда конфликтли хусусиятга эга бўлади. (Горькийнинг “Маданият арбоблари, сизлар ким билан”)
- 3) Муаллиф ва адресатга баравар тааллуқли бўлган ижтимоий масала, муаммо, факт хатнинг асосий ситуацияси бўлиб келади.

Хат ижтимоий-аналитик публицистика (корреспонденция, мақола, кузатиш) бадиий публицистика (очерк, фельетон, памфлет) оралиғидаги жанрдир.<sup>4</sup> Уни бадиий публицистика билан боғлайдиган асосий восита Ёзувчи хатидир.

“Ёзувчи хати бевосита бадиий адабиётга яқин туради ва баъзан бадиий ижоднинг махсус турига айланиши ҳам мумкин”.<sup>5</sup> Ёзувчи хати тематик йўналиш ва шакл хусусиятига кўра икки хил бўлади. Биринчиси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-адабий мавзуларда ёзилган, матбуотда эълон қилиниши мўлжалланган очиқ хат типидagi хатлардир. Л.Н. Толстойнинг “Жим туролмайман”, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Гафур Ғулом ва бошқа адибларнинг ёзувчиларга ёзган хатлари бунга мисол бўла олади.

Иккинчиси, ёзувчининг индивидуал шахсларга қарата ёзган шахсий хатларидир. Ёзувчининг биринчи хил хатлари бевосита хат публицистикаси жанрига киради. Алишер Навоийнинг Ҳусайн бойқарога ёзган хатларида ва бошқа ҳоким-амалдорларга, замондоўларига йўллаган мактубларида ижтимоий-сиёсий ва бадиий тафаккурнинг синтезини кўриш мумкин.

Ёзувчининг очиқ хат ҳамда индивидуал хатлари журналист учун муҳим мактабдир.

<sup>4</sup> Прохоров. Е. П., Эпистолярная публицистика, стр 5.

<sup>5</sup> Алексеев М. П. Письма Тургенева том I М., Л. 1961. стр. 5

Юқорида кўриб ўтганимиздек, бу хил хатларда Навоий мамлакат ва халқ тақдирини, ҳукмдорнинг бурч ва вазифалари ҳақидаги ўз сиёсий қарашларини кундалик оддий воқеалар тарзида конкрет ифодалайди. Бу ҳақда “Хатнинг ёши” бобида алоҳида фикр юритилгани сабабли бу ўринда Навоий хатларидаги фалсафий-бадиий тафаккурга бир мисол келтириш билан чегараланамиз:

*“Аммо дўстларим насихат юзидан ишъор қилурлар эрдиким, ҳар муҳра тоғза тикилган била фируза бўлмайдур ва мийнойи шиша бўюнга оққон била зумуррад ўрнин тутмайдур ва душманларим таън ва киноят била қулогимга урурлар эрдиким, ҳайнинг нопок суви била саъи била обиҳайвон қилурман деган ва кеча ишнарқуртнинг тийра пайкарин жаҳд била хуришиди раҳмон ясармен деб, харза хаёл қилгон басоки хижолат бармогин тишлагай ва пушаймонлиг овуччин бир-бирига юққай ва бу фақиригофил дўст сўзи била мутанаббих ва душмантаъни била мутақоид бўлмай, сенинг тарбиятингга кундин-кунга устуворроқ ва риоятингга лаҳзадин-лаҳза беқарорроқ эрдим “<sup>6</sup>.*

Навоий хатларидаги ижтимоий-бадиий тафаккур усули ўзбек публицистикасида бу хусусиятнинг шаклланишига асос бўлган мансаблардан биридир..... Навоий яна бир хатида куч-қувват кетиб, заифлашиб қолганини, ёзиб тугатган китобларини яқин дўстларидан бирига топширишга қарор қилганини айтади.

Очиқ хатлар ижтимоий публицистика билан бадиий публицистика оралиғидаги жанр бўлиб, очерк, фельетон, памфлет жанрларининг бадиий публицистик воситаларидан фойдаланади. Кучли эҳтиросбилан ёзилган, муҳим муаммо ифодаланган хатларда муаллиф образи гавдаланади.

### ОЧЕРК

Очерк газета жанрлари орасида энг мураккаб, энг ихчам, энг зийрак, ҳозиржавоб жанрдир. Табиатига ҳам бадиият, ҳам публицистика белги, хусусиятлари хос бўлган ушбу жанр икки жиҳатдаен баҳоланади. “Очерк ҳикоя билан тадқиқот ўртасига яқин туради”, деган эди. Максим Горький. Ижодий фаолияти давомида бу жанрнинг кўплаб етук намуналарини яратган машҳур

<sup>6</sup> Навоий . , Асарлар. Ўн беш томлик, 13-том. “Бадиий адабиёт”, Тошкент., 1969, 154-бет.

рус адабининг гапларида жон бор. Очерк соф хикоя ҳам тадқиқот ҳам эмас, балки уларнинг бир қатор аломатларини бағрига сингдирган ўзига хос синтетик асардир. Очерк русча “**Чертить, очерчивать**” сўздан олинган бўлиб, атрофига чизик тортмоқ, чизмоқ, баён қилмоқ, тасвирламоқ деган маъноларни билдиради.

Шу нуқтаи назардан караганда очерк муайян муддао асосида мушоҳада қилинган фактлар, воқеа ва ҳодисаларнинг энг муҳим белгиларини, кишилар характерларидаги энг асосий хусусиятларни бадиий публицистик акс эттиради ва китобхонда тугал, яхлит тасаввур ҳамда қисқа, ихчам, конкрет тушунча ҳосил қилади. Бундай услуб катта адабий маҳоратни талаб қилади.

Очерк атамаси ўзбек матбуоти, адабиётига XX аср бошларидан , асосан, рус адабиёти, матбуоти орқали кириб келди, мумтоз адабиёт намуналарида бу термин учрамайди. Очеркнинг хусусан, портрет очерки, йўл очерklarининг энг яхши намунаси Алишер Навоийнинг “*Мажолис-ун нафоис*” , Мирзо бобурнинг “*Бобурнома*”сида учратамиз. Навоий “*Мажолис ун нафоис*” да 459 шоирнинг шахсияти, ижоди, фазилати, қусурлари ҳақида шундай қисқа, лўнда, аниқ тасвирлар беради, шеърятининг матн мисраларидан намуналар келтиради, маҳоратига холис, адолатли баҳо берадики, ушбу портрет характеристикаси ўқувчи ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

“Бобурнома” да Андижоннинг бадиий-публицистик тасвири, баёни куйидагича:

*“Жанубий тарафидаги касабалардан бири Андижондурким, васатга воқе бўлубтур. Фаргона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи зофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас... Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир еридан ҳам чиқмас... Ови қуши доғи кўп бўлур, қирговули беҳад семиз бўлур... Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида туртки бўлмас киши йўқтур... элининг лафзи қалам билан ростдур”.<sup>7</sup>*

<sup>7</sup> Н. Қосимова, Н. Тошпўлатова, Н. Шофайзиёва, Н. Муратова., босма оммавий ахборот воситалари тахририятлари учун қўлланма , Т. , 2008 70-бет.

Бирор киши ҳақида гап кетганда, бобур унинг валодат ва насаби, шакл ва шамойили, яъни портрети, ахлоқ ва атвори, урушлари, вилояти, авлоди ҳақида ҳақида шундай маълумотлар, лўнда тафсифомалар берадики, муаллиф маҳоратига беихтиёр қойил қоласиз. Мана, у отаси умаршайх мирзонинг портретини қандай чизади:

*“наст бўйлук, тегирма соқоллик, кўба юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр кияр одам эди, андогким, бог боглатурда қорнини ичига тортиб боглатур эди, бог боглагондан сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боглари узилур эди. Қиймоқта ва емоқта бетакаллуф эди. Дасторни дасторпеч чирмар эди”<sup>8</sup>.*

Келтирилган парчаларда мантиқий муҳокама, эҳтирос, ҳаяжон, чўғ ҳам, таҳлил, тадқиқ ҳам, хулоса, умумлашма ҳам, хуллас, бадиий-публицистик асар учун хос, мос бўлган барча унсурлар мавжуд.

Очерк бадиий ижоднинг образ, манзара, қуйма тасвир, жозибали тил, характер, шароит ва хоказо имкониятларидан озиқланса, публицистикадан мантиқий муҳокаам, рақамлар мағзини чақиш, таҳлил этиш, хулосалар чиқаришда кўл келади. “Бобурнома”, “Петербергдан Москвага саёҳат”дан келтирилган парчалар шу фикрни тасдиқлайди.

Очерклар мавзуси, тасвирлаш услуби, жанр аломатлари ва мундарижасига кўра уч турга бўлинади:

1. Портрет очерк.
2. муаммоли очерк.
3. Йўл очерки ( сафарнома ).

### **ПОРТРЕТ ОЧЕРКЛАР.**

Портрет франсузча сўз бўлиб, тасвирлаш деган маънони билдиради. Портрет тушунчаси бадиий асарларда кишининг ташқи қиёфаси, қадди-қомати, кийиниши, хуллас, ўзига хос сиймосини сўз орқали “ўймакорларча” конкрет ва жонли акс эттиришдир.

---

<sup>8</sup> Н. Қосимова, Н. Тошпўлатова, Н. Шофайзиева, Н. Муратова., босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма , Т. , 2008 71-бет.

Очеркда портрет муайян шахснинг жисмоний, ижтимоий-индивидуал сиймосини маълум ғоявий муддао асосида жонли гавдалантиришдан иборатдир. Тарихий шахслар, донгдор замондошларимиз, шунингдек муҳим ижтимоий қимматга эга бўлган салбий шахслар тақдири портрет очеркнинг предмети ҳисобланади.

Портрет очерк ўзбек адабиёти ва матбуотида асосий жанрдир. Ўзбек очеркининг шаклланиши реалистик прозанинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бироқ бу прозанинг айрим хусусиятлари ўзбек классик адабиётининг баъзи насрий асарларида ҳам кўзга ташланади. Буюк мутафаккир Навоий Ҳазратларининг “Ҳамсатул мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” каби мемуар асарлари тасвир ҳамда публицистик воситалари билан портрет очеркнинг, шубҳасиз, дастлабки анмунаси дир. Портрет очеркнинг баъзи бир жанр хусусиятларини “Бобурнома” даги портретлар тасвирлари намунасида ҳам кўриш мумкин.

### **САФАРНОМАЛАР, ЯЪНИ ЙЎЛ ОЧЕРКЛАРИ.**

Муаллифнинг қишлоқлар, шаҳарлар ва мамлакатлараро сафар пайтида йиғилган мушоҳада ва мулоҳазалари, ўрганган ва эшитганларининг бадий-публицистик тасвирига йўл очерки дейилади.

Сафарнома қадимий жанрдир. Ўзбек адабиётида бу жанрнинг айрим хусусиятлари классик адабиётимиз ёдгорликларида учрайди. “Бобурнома” бу жиҳатдан, айниқса, аҳамиятлидир. Асарда муаллиф марказий қаҳрамон бўлиб, ўз мамлакати ва бегона диёр манзаралари, кишилар образлари, воқеа ва публицистик мулоҳазалар орқали тасвирланади. Бобурдан кейинги давр адабиётидан то бугунги кунгача бундай хусусиятларга эга бўлган очерклар яратилди. Жумладан, Муҳаммад али қаламига мансуб йўл очерки бугунги кун сафарномасининг айна ўзгинасидир. Асардан парча келтирамиз:

*“Мен ниҳоят Сиетлдаман.*

*Америка Қўшма Штатларининг шимолий-ғарбида жойлашган, Тинч океан соҳилидаги йирик иқтисодий марказ саналувчи шаҳар... Сувлари Тинч океанга уланиб кетадиган Пьюджет-Саунд қўлтиғи бўйидаги, Вашингтон қўли билан опоқ-чопоқ бу шаҳарни Американинг энг хушманзара*

*масканларидан бири дейиш мумкин. Сиетл — Вашингтон штатининг энг улкан шахри, уни етти тепалик-адир устидаги шахар, дейишади. Одатда, сув бўйидаги ёки тоғ ёнбағридаги, шунингдек, ўрмонзор ичидаги шахарларни, масканларни хушхаво жойлар, деб аташади ва шундай жойларга интилишади, ҳатто юқорида саналганларнинг биттаси бўлса ҳам ўша ер ардоқда бўлади. Сиетлда эса бу уч жиҳат мужассам: зикр этилганидай у Вашингтон кўли бағрида жойлашган, кўл бамисоли шахарни “опичиб” туради, икинчидан, адирликлар кифтига ўрнашган, учинчидан, бағоят ям-яшил шахардир. Сиетлни ҳақли равишда “зумрад шахар” , деб атайдилар. Ораста шахар. Гўзал шахар. Шинам шахар. Икки ой давомида бирор марта ҳам туфлимни артишга эҳтиёж сезмадим, худди уни ҳар куни кимдир, кўринмас бир меҳрибон кўл сездирмай артиб кўяр эди. Бу муболага эмас. Зумрад шахар осмонида кезишни хуш кўрадиган, Тинч океан сувларидан тўйинган кулранг булутлар, тез-тез Сиетлни ювинтириб-тарантириб турадилар, сиетликлар жуда кам ҳолларда соябонларини уйда қолдирадилар.....”<sup>9</sup>.*

Асар ёзувчининг Америка таассуротлари асосида шундай маҳорат билан ёзилганки, уни ўқиган киши гўёки ўзини Америка диёрида ҳис қилади.

Табиийлик, самимийлик, ҳаққонийлик, холислик билан битилган, ўнлаб воқеалар, деталлар ичида энг арзирли, диққатга сазоворларини танлаб олиб кўрсатиш йўл очеркига қўйиладиган талаблар ичида энг муҳимларидир. Ўқувчи Саёҳатчи муаллифнинг рост-ёлғон гапини, самимий ёки носамимийлигини, салмоқли, жўяли ёки майда, арзимас гапини дарҳол англайди ва шунга яраша ўз баҳосини беради.

### **МУАММОЛИ ОЧЕРК.**

Даврнинг етилиб, пишиб турган долзарб муаммоларини дадил ўртага қўйиши, публицистик чўғдорлиги, бадий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Муаммоли очерк бадий тўқима асосига ҳам, конкрет воқеа асосига ҳам қурилиши мумкин. Гап муаммонинг ҳаётлийлиги, долзарблигида.

<sup>9</sup> Муҳаммад Али . , Мен кўрган Америка , “Шарқ” , Т. , 2000, 30-31 бетлар

Очерк марказига қўйилган муҳим ҳаётий муаммо асар композицияси, сюжет йўналишини белгилайди. Муаммоли очеркда асосий муаммонинг моҳиятини, унинг жамият тараққиётидаги ролини аниқлаш, бу муаммони вужудга келтирган ҳаётий-ижтимоий омилларни текшириш ва ҳал этиш йўллари кўрсатиш асосида очерк сюжети ривожланиб боради. Масалан, истеъдодли адиб Дадахон Нурийнинг “Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик”, “Бўстонликни қутқаринг”, “Шаҳарга бомба керакми?” очерклари, “Шаҳар тегирмони” китобига кирган бошқа очерклари экологиянинг, теварак-атрофни муҳофаза қилишнинг долзарб, пишиб етилган муаммоларини кескин қўйиши билан жамоатчилик эътиборини қозонган. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида, мустақиллик йилларида газета ва журналлар саҳифаларида, алоҳида китоб ва тўпламларда экология, тил, дин, тарих, моддий ва маънавий бойликлар мавзуларида муаммоли очерклар ёзилди. Бу каби очеркларни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида ҳам учратиш мумкин.

### **ФЕЛЬЕТОН ва ПАМФЛЕТ жанрлари хусусида...**

**Фельетон** франсузча *Feuilleton* сўзидан олинган бўлиб, “варақ” деган маънони беради. *“Журнал де Деба” дейилган француз газетасининг 1800 йил 28 январь сонига илова қилинган қўшимча варақа чиқарила бошланди.... Ўша вақтларда “Фельетон” рукни остида театр, француз бадиий адабиёти ва таржима адабиётдан олинган парчалар, ҳатто, йирик романлар босилар эди. XIX асрнинг 30 йилларида фельетон термини рус матбуотида ўтади.*<sup>10</sup>

Фельетон, памфлет, каби жанрлар ҳақида сўз борганида, аввало, юмор, хажвларнинг моҳиятини чуқур англамоқ керак.

Ўткир аччиқ кулги, хажв, енгил, «чучук» кулги юмор саналади. Айрим асарларда хажв устун бўлса, баъзиларида юмор палласи босиб кетади, хажв, юмордан бирдек унумли ва ўринли фойдаланилган асарлар ҳам анчагина.

*Қадимий рим адабиётида сатира (satira) танқид қилувчи, фош этувчи асарларга нисбатан қўлланган экан. Сатирик роман, қиссалар (Сервантес «Дон Кихот». Гогол. «Ўлик жонлар», Неъмат Аминов «Ёлгончи фаришталар» ва ҳ.к.), сатирик пьесалар (Гогол. «Ревизор»,*

<sup>10</sup> Тоғаев О. , Публицистика жанрлари , “Ўқитувчи” , Т. , 1976 , 111-бет

*А.Корнейчук,»Фронт», А.қахқор «Тобутдан товуш» ва  
х.к.) анчагина, сатирик ҳикоя, фельетон памфлетлари сони жуда кўп.*

*Юмористик асарларга А.Чехов, М.Зошченко, А.Қахқор ҳикоялари,  
Бернард Шоу, Саид Аҳмад, А.Арканов, М.Задорнов хазил-мутойибалари,  
Козьма Прутков, Насриддин Афанди латифалари, аскиялар мисол бўла  
олади. Эзон, Эразм Роттердамский, Крилов, Гулҳаний, С.Михалков,  
М.Худойқулов масаллари, А.Архангельский, Кроткий, А.Раскин, У Саидов,  
А.Обрўев эпиграмма ва пародиялари ҳажв ва юмор унсурларида мавжуд.<sup>11</sup>*

Адабиёт, публицистиканинг асосий қуроли - сўздир. Сатирик, юморист  
асарлар, асосан, кулги, юмор асосига қурилади. Ҳажв, кулгини юзага  
келтирадиган нарса сўздир. Демак - сатира, юморнинг бош қуроли – сўз.

Кулги ҳақида ўқувчилар ҳажв усталари кўп фикрлар билдиришган.  
«Ревизор», «Ўлик жонлар» каби машҳур ҳажвий асарлар муаллифи, буюк рус  
адиби Гоголь айтган ушбу гап, айниқса, диққатга сазовордир: *«Кулги шундайин  
зўр нарсаки, ҳатто ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одам ҳам кулгидан қўрқади.  
Кулгининг турлари, оҳанглари кўп: ҳажв, мазаҳ, масхара, кесатиш, чандиш,  
қаҳқаҳа, истеҳзо, қочирим, табассум, латифа, аския, муболага, кичрайтириш,  
жонлантириш, ўшатиш, кўчим, аллегория... Ҳажвий, юморист асарларда,  
мавзу, муаммо тақозосига кўра, кулгининг ана шу турлари оҳанглирдан  
фойдаланилади.*

Сатиранинг вазифаси нимадан иборат? Сатира, юмор ҳаётда учрайдиган,  
тараққиётга тўсиқ бўлаётган камчилик, иллатларни кўрсатиш, очиб ташлаш,  
фош этишдан иборат, токи бундай нуқсон, қусурлар, нохуш ҳолатлар барҳам  
топсин, йўлимизга ғов бўлмасин.

Фельетон мавзуси ҳақида икки хил қараш мавжуд. Биринчи фикр шундан  
иборатки, баъзи журналистлар фельетон учун махсус кулгили мавзу, қизиқ  
воқеа бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу тоифадаги журналистлар кулгили  
бўлмаган жиддий мазмундаги бирор мавзунини таклиф этганларида  
“зериктирарли воқеа” деб, фельетон ёзишни истамайдилар. Аксинча улар  
айрим “қизиқ” факт, бирор кишининг ҳаётида юз берган латифасимон ҳодисани

<sup>11</sup> Умиров Сайди, Нурматов Акбар, Маърузалар матни, Т. , 2007.

эшитганларида унинг ижтимоий мазмуни, моҳияти хақида чуқур ўйлаб ўтирмасдан фельетонбоп воқеа экан, деб завқланидилар. Дарвоқе, шундай воқеа хақида тезгина “сюжет” тўқиб бир амаллаб фельетон ҳам ясаб ташлайдилар. Бундай фельетонлар ўз-ўзича кулгили бўлиб туюлади, аммо у хақида чуқурроқ ўйлаб кўрилса, унда бирор ижтимоий-фойдали фикр ифодаланмагани маълум бўлади. Мавзунинг асл моҳияти очилмаган, умумлаштирувчи хулоса чиқарилмаган, ғояси ноаниқ, мазмуни саёз, қоғоз гулга ўхшаган бундай фельетонлар ижтимоий таъсир кучига эга бўлолмайди.

Фельетон мавзуи хақидаги икинчи фикр шундан иборатки, ҳар қандай мавзуда ҳам уларнинг жиддий ёки кулгили бўлишидан қатъий назар, фельетон ёзиш мумкин.

*Ҳар қандай мавзуда ҳам фельетон ёзмоқ учун журналист факт асосидаги ижтимоий мазмун ва муаммони аниқ кўра оладиган ҳаётий тажриба, билим ва адабий маҳоратга эга бўлмоғи лозим.*<sup>12</sup>

Ўзбекистонда 1923 йилдан бери «Муштум» журнали чиқади. Журнал асосчиларидан бири, машҳур адиб, хассос сатирик Абдулла Қодирий журналнинг биринчи сонига ёзган сўз бошисини «Тумшуғингиз тагида янги меҳмон муборак, афандилар» дея тугатган эди. «Афанди» сарлавҳали иловасини нашр этиш йўлга қўйилади. Вақти-вақти билан ҳажвий, юмористик китоб, тўпламлар нашр этилиб туради. Ўзбекистон телевидеиясининг «Телевизион миниатюралар» кўрсатуви, республика радиосининг эшитувчиларига яхши маълум.

Айрим тадқиқот, ўқув кўлланмаларида фельетон матбуотнинг кенг тарқалган жанрларидан бири, деган фикрга дуч келамиз. Фельетон матбуотнинг кам тарқалган жанрларидан бири, дейилса тўғрироқ бўларди. Афсуски, шундай.

Фельетоннинг публицистик хусусиятлари дейилганда мантиқий муҳокама, илмий тушунча, ўткир полемик руҳ, публицистик чўғ, аччиқ ва нордон кулги, муаллиф «мен»и («биз»и)нинг фаоллиги, баённинг тасвир услубининг, сюжет, композиция, конфликтнинг ўзига хослиги, монолог ва диалогнинг мўллиги ва ҳоқозолар тушунилади. Жанр табиати илмий тушунча, амаллардан

<sup>12</sup> Тоғоев О., Публицистика жанрлари, “Ўқитувчи”, Т., 1976, 124-бет

фойдаланишни ҳам тақозо этади, шу маънода фельетонни бадий-илмий публицистик жанр деб аташ ҳам мумкин.

Фельетонда бадий тасвир босим келадими ёки тарозининг муҳокама палласи босиб келадими-бу муаллифнинг истеводди йўналишига, ёзиш манерасига, тили, услуби ва бошқа омилларга боғлиқ. Масалан М.Горький, В.Короленко, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби моҳир прозашунослар фельетонларига кўпроқ тиниқ тасвир, аниқ, характер, мароқли сюжет, жонли тил хос бўлса, М.Кальцов, Д.Заславский, К.Алиев, У.Юсупов, Ш.Убайдуллаев фельетонларида мантикий муҳокама, тушунча образлари устунлик қилади. А.Герцен, Ильф ва Петров, С.Аҳмад, Х.Тўхтабоев, Н.Аминов фельетонларида бадиёт ва публицистиканинг ўрни, салмоғи бир хил деса бўлади. Кўпчилик фельетонлар бадий тасвир билан боғланади ва мантикий муҳокамага уланиб кетади. Масалан, Ғофур Ғуломнинг «Ойпошша ва Мирисоқ» фельетоннинг бошланиши куйидагича:

«Илгариги аравакашларнинг ҳаммаси деярли ўз отини гулдек севар эди. айниқса, Самарқанднинг лобар, чапани йигитчалари ўз отларининг чиройли бўлиши учун ҳеч нимани аямас эдилар. Отнинг бўйнига, ёлининг ҳар қилига, манглай кокилига, умровига, думига, эгар-жабдуғига, ишқилиб дуч келган ҳар ерига йирик-йирик чиқаноқлар, кўзмунчоқлар, маржонлар, ялтироқлар, титравичлар, туморлар тақиб ташлайверар эдилар. Бу ҳамма зебу зийнатлар тахминан бир пуддан ҳам ошиб кетар эди. Аравакаш отининг вазифаси-ку юк тортмоқдир, аммо шўрлик от ҳалиги тақинчоқлардан бели букилиб, ортиқча юк тортишга мадори келмай қолар эди. «Чух» десангиз оёғи қалтираб, рост кўча қолиб, паст кўчага буриладиган бўлиб қолар эди».

Бу моҳир ёзувчи “Ёдгор”, «Шум бола», «Менинг ўғригина болам» муаллифи Ғофур Ғулом.

Шундан кейин келадиган абзацни ўқийлик:

«Ойпошша Полвонова учун ҳам иззату ҳурматлар ҳамиша бош роллар қарсақлар отарлар “бали-бали”лар оғир юк бўлди. Буларнинг устига устак колхоз раиси Мирисоқ Мирқодировнинг хайру эҳсонлари, даста-даста червонлари, инжу, зирак, олтин билакузуклари, тонготар базмлари «ортиқча»

зебу зийнатлар бўлиб, Ойпошшахонни довдиратиб кўйди. Ойпошшахон рост кўча қолиб, паст кўчага йўрғалайдиган бўлиб қолди.»

Бу энди ўзини бир умрлик газета мухбири дея фахр билан эълон қилган, ўнлаб ажойиб очерк, фельетон, мақолалар муаллифи, етук публицист Гафур Фулом. Фельетон бошидаги аниқ, тасвир, тиниқ манзара шунчаки, фельетоннинг чиройли, нафис чиқиши учун келтирилмаган, балки, парча муаллиф нияти, асар ғоясини очиш, асос, далил вазифаларни адо этиш учун киритилган. Икки парчадаги қиёсларга эътибор беринг: отга тақилган ортиқча, ҳашамлар кўп юкни тортолмай рост кўча қолиб паст кўчага буриладиган бўлиб қолган шўрлик от; ортиқча иззат-ҳурмат, зебу зийнатлардан ҳаволаниб кетган, рост кўча қолиб, паст кўчага йўрғалайдиган бўлиб қолган артистка от-ку паст кўчага бурилишга мажбур бўлган, артистка паст кўчага ўз хоҳиши билан йўрғалайдиган бўлиб қолган. (Худди шундай усулни А.Қаҳҳор ҳам фельетонларида кўп қўллаган. Масалан, «Барон фон Ринг» фельетони «Бир атторнинг эшаги ўйлаб қараса, дунёда туришнинг ҳеч қизиғи қолмапти» деб бошланади, иккинчи абзацда эшак билан таранфон Ринг қиёс қилинади, ғоя ишонарли тарзда асосланади» ).

Абдулла Қодирийнинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Калвак махсумнинг хотира дафтарида”, “Ширвон хола нима дейди?” фельетонлари жанрининг юксак намуналари бўлиб, ёш қаламкашлар учун маҳорат, ибрат мактабидир.

## ПАМФЛЕТ

«Памфлет (инглизча pamphlet)- ижтимоии-сиёсий мавзуга бағишланган, унча катта бўлмаган, кескин полемик руҳдаги, фош этувчи асар» дейилади. «Хорижий сўзлар луғати»да Памфлет бир қатор хусусиятлари, аломатлари билан фельетонга яқин турса-да, улар ўртасида муайян фарқлар бор. Фельетонга қараганда памфлетнинг қаҳри қаттиқ, зарби ўткир сўз-иборалари захарли, ҳукми шафқатсиз.

Ўғри, товламачи, халқ мулкига кўз олайтирган, ишни расво қилган, маиший бузук, бюрократ, ноинсоф, турли гуноҳга ботган кимсалар фельетон «қаҳрамони» бўлиши, жамоатчилик норозилиги, ғазабига дучор келиши, кулги, мазах объектига айланиши мумкин. Вақти-соати келиб, танқид-дашномлар

таъсир этиб, одамлар «тузалиб», гуноҳини ювиб, оиласига, ишига қайтса, нормал фаолиятини давом эттирса, фельетон ўз вазифасини бажарган хисобланади. Агар фельетон тузувчи қаламига мансуб бўлса, нашр этиладиган китобларидан жой олса, муаллиф «қаҳрамон»ларни бошқа хижолатга кўймаслик учун исм-фамилияларни ўзгартириши мумкин (масалан F.Фуломнинг «Ойша ва Мирисок» фельетони илк бор «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилганда, артистка ва раиснинг ҳақиқий номлари берилган эди). Памфлет сиёсий ёт қарашлар, ғоялар, ёв мафкура, тузум, душманларча хатти-харакатларни беаёв фош этадиган, жамоатчиликнинг кучли, кескин фикрини шакллантирадиган ҳужумкор бадий-публицистик жанрдир. Памфлет эса, зарарли ғоя, захарли мафкура, ёвуз куч, қаттол душманни фош этадиган, авра - астарини ағдарар даражада тигга тортадиган қаҳрли сўз. Памфлетнинг мақсади ёт ғояларни фош этиб ташлаш, ёвўз душманни маънан тилка-пора қилиш, маҳв этиш. Сўз, иборалар ҳам шунга мос қаҳрли, захрли, кўрғошин янглиғ қаттиқ.

Инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдирган, вайроналиклар келтирган, беҳисоб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган Наполеон, Гитлер, Геббельс, Франко, Пиночет, Усама бен Лодин каби ёвўз ниятли кимсалар памфлет қаҳрамонларидир, ҳар қанча қаҳрли, захрли сўзларга лойиқдир.

Маратнинг Мирабо ва Лафойетга, Белинскийнинг Шевиревга қарши памфлетларида уларнинг реакцион қарашлари қақшатқич танқид қилинган, Польлафарг «Ялқовлик ҳуқуқи» памфлетида куллик меҳнатини мақтаб-мақтаб, эзгулик дея баҳоловчи тубан нуқтаи назарни кескин фош этади.

Ватан ўруши ва ўрушдан кеинги йилларда Совет иттифоқи матбуотида памфлет жанрида бир қатор асарлар яратилди. И.Эренбўрг, Л.Леонов, К.Симонов, Н.Грибачев памфлетлари бу фикрнинг далили бўла олади. 1947 йили бўлиб ўтган бир мунозарада таниқли сатирик Д.Заславский фалсафий фельетон билан фалсафий памфлетнинг бадийпублицистик жанр сифатида тикланаётганини қайд этган эди.

Памфлетнинг энг ёрқин намуналари украин сатириги Ярослав Галан (1902-1949) қаламига мансубдир. Унинг «Ватансиз кимсалар», «Ўлим пойгаси», «Геринг», «Иохим фон...», «Каннибаллар», «Ёт худолар сояси»,

«Бир фирибгарликнинг сўнгги кунлари» каби памфлетларида (ёвузлик, котиллик, геноцид, миллатчилик ўтли, куйдирувчи сатира остига олинади. Масалан, «Бир фирибгарликнинг сўнгги кунлари» памфлетига қирқ бешинчи йил апрелида фюрер идорасидаги аянчли манзара шундай тасвирланади: «Канцелярия ертўласи эндиликда ақлдан озганлар уйини эслатарди. Бетайин қаҳр-ғазабдан кўкариб кетган Гитлер нималардир деб бақирар, кимгадир муштларини ўқталарди. Унинг бўғриқиб-қизариб кетган башарасини таниб бўлмасди, подвалда телбаллик, қўрқув ва даҳшат ҳукм сўрарди». Ярослав Галан памфлетлари мана шундай тифдор, ўткир эди. Истеъдодли публицистнинг ёлланган қотил қўлида ҳалок бўлиши ҳам унинг памфлетлари душманлари учун қанчалик қўрқинчли қурол эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Фельетон ёзиш қийин, масъулиятли, памфлет ёзиш ундан-да қийин масъулиятли. Бунинг учун ўн чандон жасорат, маҳорат лозим бўлади.

### ЭССЕ

Ўзбек адабиёти ва публицистикаси, танқидчилиги кейинги даврда яна бир жанр — эссе жанри ҳисобига ҳам бойиб борапти. Муаммоли мақола, суҳбат-интервью жанрлари сингари, эссе жанрида пайдо бўлган сон ва сифат ўзгаришлар кейинги йилларда жамият ҳаётида юз берган демократия, ошқоралик, турфа фикрлилик каби жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, миллий истиқлол мафкураси табиати эмин -эркинликка мойил эссе жанри учун қулай шарт-шароитлар яратди.

“Қисқача адабий энциклопедия”да бу жанрга шундай таъриф берилади:

“Эссе (французча - интилиш, тажриба, очерк, лотинча - тортиш, чамалаш, тортиб кўраман) жузъий бир мавзунини олиб талқин қилувчи унга алоқадор шахсий таассуротлар ва мулоҳазаларни баён этиш, тасвирлашга интилувчи, унча катта бўлмаган, эркин композицияли насрий асардир. Ранг-баранг жанрларга (фақат адабий жанр бўлиши шарт эмас) шахсий тамойиллар олиб кириш, турли фанларнинг далил-исботлари ва атамаларини бирга қўшиб олиб бориш жараёнида эссе фалсафий, тарихий-биографик, публицистик, адабий-танқидий характер касб этиши мумкин”.

Эссе жанрининг назариясига оид тадқиқотлар Шарқда камроқ, Энциклопедия, луғат, дарслик, қўлланмаларда бу жанр ҳақида маълумот берилмаган ҳисоб. Эссе жанри ҳақида маълумотларнинг озлиги Фарб адабиётида, айниқса, француз, инглиз адабиётларида кенг тарқалганлиги, рус адабиёти ва бошқа адабиётларда нисбатан кам учраши билан изоҳланади.

Эссенинг жанр сифатида қарор топиши ва шаклланиши француз адиби Мишель Монтень ижоди ва унинг «Тажрибалар» асари билан боғлиқ эканлиги барча тадқиқотчилар томонидан яқдил эътироф этилади.

«Тажрибалар»нинг шакли ва жанри Монтень томонидан танланган эмас, балки, моҳиятига кўра, у томондан кашф этилган. «Эссе сўзини адабий истемолга олиб кирган ҳам худди унинг ўзи. Бу сўз Монтенда ўзининг туб маъноси- «тажриба»ни мутлақо аниқ-равшан сақлайди: «Инсонинг муҳокама қобилиятида, унинг ўзида кўрилган, синалган тажриба».

«Китобимнинг мазмуни - менинг ўзим», - дейди Монтень «Тажрибалар»га ёзган муқаддимасида. Монтень «Тажрибалар»ини тор, чекланган доира ўқувчилар, яқин оғайнилари, дўст-биродарлари учун муаллиф тавсифномаси, ўзининг кузатиш ва таҳлилиллари натижаси сифатида ёзишни мўлжаллаган, ният қилган экан. Аксига олиб, бу китоб ўз даврининг илғор фикр - интилишларини акс эттирган, нафақат француз, балки жаҳон адабиётининг маҳорат билан битилган, ўзига ҳос асарларидан бири бўлиб чиқди ва улкан аудиторияга эга бўлди. Замондошларига, ундан кейинги илмфан, маърифат аҳли, айниқса, файласуфлар, адиблар, рухшунослар, тарбиячиларга ғоятда катта таъсир кўрсатди. Китоб кенг ўқувчилар орасига тез ёйилиб кетди. Француз, инглиз, рус ва бошқа тилларда қайта-қайта нашр этиладиган, севилиб ўқиладиган асарлардан бирига айланди («Тажрибалар» ўзбек тилига ҳам ўгирилиб, чоп этилса айни муддао бўларди). Пушкин ва Герцен, Вольтер ва Бальзак, Лев Толстой ва Максим Горькийларнинг сеvimли, қайта-қайта мурожаат этадиган асарларидан бири ҳам «Тажрибалар» эди. Чингиз Айтматов, Асқад Мухтор асарларида ҳам «Тажрибалар»нинг таъсири бор.

Монтенни қайта-қайта ўқиб завқ олган Френсис Бэкон, унинг жанри ва

услубидан фойдаланиб ўзининг “Essaus”ни яратди.

Эссе ҳам, бошқа бадий – публицистик асарлар сингари, инсоншуносликдир. Эсседа инсон даставвал ўзи билан ўйчан, дилкаш суҳбат куради, ўз ички оламига саёҳат қилади, ўзлигини, ақлу хиссиётининг нозик ўйинини намоён этади.

Монтень Россияда маълум, машхур бўлса-да, рус адабиёти учун эссеистик услуб характерли эмаслигини тадқиқотчилар эътироф этишади. А.И.Герценнинг “Нариги қирғоқдан”, Ф.М.Достоевскийнинг «Ўзувчи кундаликлари» асарларида эссеистик услуб элементларини учратиш мумкин.

Эссе ўзбек адабиётида тез тараққий этиб бораётган, истиқболли жанрлардандир. Бундай дейишимизга маълум асослар бор. Биринчидан, инсон омилига, шахс камолотига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор берилаётган кейинги пайтларда эссенинг аҳамияти ошиши, унга эҳтиёжнинг кучайиши табиий. Иккинчидан, сўнгги йилларда тобора равшан кўзга ташланаётган тенденциялардан бири - ҳужжатли жанрларга қизиқиш, эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигидир. Ҳужжатлилик (документализм) эса эссенинг табиатига хос нарса.

Тадқиқотчилар эссе жанрига хос учта муҳим белги, хусусиятни тилга олишади. Биринчи белги, «Британия энциклопедияси»да айтилганидек, «эссе предметни, муаллифга қандай таассурот қолдирган бўлса, шу тарзда, шу даражада баён ва тадқиқ этади». Бу фикрлардан келиб чиқиб, муаллифнинг субъектив идроки, тасаввури, жанрнинг моҳияти, мундарижасини белгилайди, дейиш мумкин.

Бадий тафаккур енгил ва эркин кўрингани билан эссенинг энг яхши намуналари бадий образ, фикр тараққиётининг ички мантиқига бўйсунди.

Учинчи белги ўйчанлик, мулоҳазакорлик, теран ақлий таҳлил-тадқиқотдир. Альбер Камю «Эссе санъатни интеллектуаллаштиришнинг энг юқори босқичи», деб ҳисоблаганда, Британия энциклопедияси «Ақлнинг нозик ўйини» деганда шу назарда тутилган эди. Эссесимон асарлар «соф» ҳолда, шунингдек, эссе - мацола, эссе- суҳбат, эссе очерк, эссе-ҳикоя, эссе-хотира, эссе-романлар билан қоришиқ ҳолда вужудга келиши мумкин. Чингиз

Айтматов ва Мухтор Шахановнинг «Чўққида қолган овчининг охи-зори» («Плач охотника над пропастью») асарини муаллифлар гарчанд роман-интервью деб аташган бўлсада, бемалол «роман-эссе» деб ҳисобласа бўлади, негаки икки муаллиф машҳур ёзувчиларнинг дилкаш, эмин-эркин суҳбати кўп ўринларда ўзлари бошидан кечирган воқеалар, кечинмалар, таассуротлар асосига қурилганки, булар эссе табиатига хос, мос хусусият, белги, аломатлардир.

Ўзбек адабиёти, публицистикасида ҳам эссе жанрининг ривожини турфа фикрлашга бир қадар имконият юзага келган саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан, бемалол, эркин ёзишга шарт-шароитлар пайдо бўлган 90-йиллардан бошланди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газеталари, «Шарқ юлдузи», «Фан ва туруш», «Ёшлик», кейинчалик «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» журналларида, мустақил газета «Хуррият»да эссе бошқа нашрларга қараганда кўпроқ берилди бошланди. Ўзбек адабиёти, публицистикасида эссе икки мавзу йўналишида намоён бўлмоқда:

1. Бадиий-публицистик эсселар.
2. Адабий-танқидий эсселар.

Эссе жанрида бир қанча китоблар нашр этилди. Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим», Одил Ёцубовнинг «Фарзандлар бурчи», Файбўллоҳ ас-Саломнинг «Эй, умри азиз», «Эзгуликка чоғлан, одамзот», Носир Фозиловнинг «Устозлар даврасида», Озод Шарафутдиновнинг «Сардафтар саҳифалари», Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас»,

Ҳ.Қодирийнинг «Отам ҳақида», Отаёрнинг «Мен куёшни кўргали келдим» каби китоблари, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Матёқуб Қўшжонов, Азиз Қаюмов, Лазиз Қаюмов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Иброҳим Ғафуров, Муҳаммад Али, Дадахон Нўрий, П.Шермухамедов ва бошқа адиб, мунаққид, публицистларнинг мақола, суҳбатларига эссеистик руҳ сингиб кетгандир.

## КИЧИК ҲАЖВИЙ ЖАНРЛАР...

Кичик ҳажвий жанрлар, хусусан, газета ва журналларда қўлланилади. Ҳаётда шахслар ва жамият илгарилашига тўсиқлик қиладиган майда-чуйда нуқсонлардан тортиб, катта ижтимоий-сиёсий камчиликларгача ҳажвий йўналишда фош қилинади.

Фельетон ва памфлет нуқсон объектининг тузалиши ёки маҳф этилишини мақсад қилиб қўйса, кичик ҳажвий жанрлар нуқсонни кўрсатиш унга ҳазил яъни енгил кулги билан кўрсатиб нари борганда устидан кулиш билан чекланади. Кичик ҳажвий жанрларга пародия, эпитафия, анегдот — латифа, масал, афсона ва ривоятлар киритилади. Афсона ва ривоятлар ҳам жиддий, ҳам ҳажв йўналишида бўлиши мумкин.

**Пародия.** Эски лотинча сўздан олинган бўлиб, антик даврда шеърий шаклда ёзилган. Европада насрий ҳангомалардан тортиб, романгача ёзилган. Масалан, Мигел Сервантеснинг “Дон Кихот” романи ҳажвий пародиядир. Дунё адабиётида муҳим сиёсий арбоблар муайян ҳукуматларнинг нуқсонларини аямасдан кулги қилувчи пародия романлар ҳам бор.

**Эпитафия.** Антик даврдаги сатирик поэзия тури ҳисобланади. Лотинчадан олинган бўлиб, “қабрдошга ёзилган ёзув”, ёки “қабр устида сўзланган нутқ” деган маънони билдиради. Худди марсия сингари жиддий маъно ташийди. Эпитафияда номаълум қабр ва номаълум ўлик объект қилиб олинади.

**Анегдот — латифа.** Жаҳон адабиёти ва матбуотида ҳам хусусан ўзбек мумтоз адабиётида ҳам кенг тарқалган жанрдир. Латифа жанрида энг муҳим сиёсий-ижтимоий ахлоқий нуқсонлар жуда усталик билан фош қилинади. Ўзбек адабиётида илк намуналари 11 асрга оиддир. Аммо улар кейинчалик Хўжа Насриддин образи билан уйғунлашиб кетади. “Муштум” журналида бу жанрнинг янада ривожланишига жуда катта ёрдам беради.

**Масал.** Шерий ва насрий, мажоз ва киноя унсурига асосланган жанрдир. Антик даврдан шакллана бошлаган. Эзоп антик адабиётнинг энг машҳур масалчисидир. Ўзбек адабиётида эса гулханий масалнавис сифатида яхши танишдир. Масалда, одамлар характеридаги нуқсонлар енгил кулги билан ҳажв

қилинади. (“Маймун билан нажжор”)

**ХУЛОСА.** Хулосавий фикр сифатида, энг аввало, бадий-публицистик жанрлар журналистикада беқиёс аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мазкур йўналиш инсон руҳиятини поклайди, маънавий озуқа беради, эзгуликка ундайди, унинг қалбига яхшилик уруғларини эка олади, керак бўлса, инсонни қайта туғилиши, яъни руҳан янгиланишига сабабчи бўлиши мумкин. Бу фикр мазкур КУРС ИШИни ёзиш баробарида яна бир бора ўз исботини топди. Чунки, ушбу ишни тайёрлаш давомида кундалик нашрлар, эски маълумотларнинг ҳар бири кўриб чиқилиб, мавзуга доир материаллар устида ишланди. Натижада, бугунги кун журналистикасида бадий-публицистик жанрларнинг роли борасидаги тасаввурлар кенгайиб, шу йўналишга доир материаллар илмий таҳлил қилинди. Хусусан, хат, очерк, фельетон, кичик ҳажвий жанрларнинг ўтмиш ва бугунги кундаги аҳволи тўғрисида баъзи мулоҳазалар юритилди.

- Бадий-публицистикамизнинг **ютуғи** шундаки, бугунги кун журналист кадрларининг кўпчилиги шу йўналишга лаёқатлидир. Қолаверса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: **“Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажagini ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат бунни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас”**<sup>13</sup>.
- Мавзу чуқур таҳлил қилинар экан, ўз-ўзидан **камчиликлар** ҳам бўй кўрсатаверади. Шу нуқтаи назардан, бадий-публицистикамиздаги нуқсонларнинг ҳам баъзиларини санаб ўтсак, уларни бартараф этиш учун қайсидир маънода ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз, деган фикрдамиз. Муаммолар эса талайгина... Масалан, бугунги кунда ўзбек адабиёти ва матбуотида тўла маънодаги публицистик муаммоли очерклар жуда кам яратилмоқда. Муаммоли очерк, биринчидан, жуда катта сиёсий, илмий, адабий тайёргарликни талаб қилади. Иккинчидан, муаммо ҳаётда ҳамма вақт маълум камчиликлар билан боғлиқ бўлади. Буни дадил кўтариб чиқиш учун катта инсоний жасорат зарур, албатта. Шу боисданми, айни

<sup>13</sup> Каримов И. А. , Юксак маънавият енгилмас куч , “Маънавият” , Т. , 2008, 135-бет.

чоғда ҳаётнинг пишиб етилган, қаламга олишга маҳтал бўлиб турган муаммоларини илғаб, дадил майдонга ташловчи, маҳорат билан ёритувчи, кенг қамровли, жиддий, теран очерклар кам юзага келаётир..... Жамият тараққиёти муаммоларни онгли идрок этиш, уни ҳал этиб, олға босишдан иборатдир. Муаммоларни кўтариб чиқиш, тадқиқ этиш ва жамиятимиз тараққиётига ёрдам қилиш очерк жанрининг муҳим жанговар вазифасидир. Шундай экан, ёш журналистлар эртанинг эгаларидир. Улар бу қоидаларни доимо ёдлари сақлашлари шарт ва зарур.

- Бундан ташқари матбуотга келаётган баъзи хатлар айрим газетхонларнинг паст савиясини кўрсатиб қўймоқда. **Таклиф** ўрнида айтиш жоизки, бундаин паст савияли мактублар бошқа муштарийларнинг ҳам психологиясига салбий таъсир кўрсатмаслиги, орқасидан эргаштирмаслиги учун, яхшиси, уни чоп этмаган маъқул. Хулоса қилиб айтганда, хат публицистикаси халқ фикр-қарашлари, кайфиятининг ҳаққоний ифодасидир. Журналистларимиз ҳам шу жиҳатларни инобатга олиб ижод қилсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Таклиф сифатида яна бир моддий муаммони таъкидламоқчимиз. У ҳам бўлса матбуот мухбирларининг маошини бироз кўтариб, уларга экринлик берилса, қолиплар олиб ташланса, мақсадга мувофиқ бўлиб, бугунги кундаги зерикарли матбуот ўрнини одамлар талашиб, навбатга туриб ўқийдиган, келгуси сонини ўзгача орзиқиш билан кутадиғангазеталар эгаллайди.

Шу ўринда президентимизнинг мазкур фикрларини келтириш ўринли, деб ўйлаймиз: *“Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда Ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор ”*<sup>14</sup>. Мулоҳазамиз бўйича, журналистикада ички ихтисосликни яратилса ва шу асосда кадрлар тайёрланса, қалами ўткир, ўз ишини яхши биладиган маҳоратли журналистлар янада кўпроқ етишиб чиқиши шубҳасиздир. Зеро, ахборот аллақачон товар даражасига кўтарилди ва бундан кейин ҳам, албатта, шундай бўлади.

<sup>14</sup> Каримов И. А. , Ўзбекистон XXI асрга интиломда , “Ўзбекистон”, Т. , 2000, 173-бет.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари...**

Тўртинчи ҳокимият. Т. “Ўзбекистон”, 1998.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.

Тошкент, “Ўзбекистон”. 2000.

2. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”. 2008.

### **III. Илмий адабиётлар:**

1. Бадиий-публицистик маҳорат. Маърузалар матни. Т, 2007.

2. Мўминов Ф. Журналистика ижтимоий институт сифатида, Тошкент, “Университет”, 1998.

3. Н. Қосимова, Н. Тошпўлатова, Н. Шофайзиева, Н. Муратова. Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма, Тошкент, 2008.

4. Нестеренко Ф.П. Лугат (Журналистика реклама паблик рилейшнз), Тошкент, “Зар қалам”, 2003.

5. Қ. Т. Эрназаров, Ё. М. Маматов, И.Э. Тошалиев, Ш.Қ. Эрназаров. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2002.

6. Ф. Мўминов, А.Нурматов. жаҳон журналистикаси тарихи. Тошкент, “Фан ва технология”, 2008.

7. Тогаев О. Публицистика жанрлари. Т. 1976.

### **IV. Интернет сайтлари:**

1. [www.google.uz](http://www.google.uz)

2. [www.google.ru](http://www.google.ru)

3. [wikipedia](http://wikipedia)